

ТЕЖАМКОР ЛАМПАЛАР

электр энергияни тежаши ва пулни иқтисод қилиши билан аҳамиятлидир

2017 йилнинг январь ҳолатига вилоятимиз бўйича 690 минг дона аҳоли истеъмолчи мавжуд бўлиб, 5520 минг дона ёритиш лампалари бор. Шу кунгача улардан 1958 минг донаси энерготежовчи лампаларга алмаштирилди. Айни жараёнда яна 3562 минг дона ёритиш лампалари тежамкор лампаларга алмаштирилиши лозим.

Замонавий тежамкор лампалар нафақат электр энергияси, шу билан бирга ҳамёнимиздаги маблағларнинг ҳам тежалишига хизмат қилади.

Бу юмуш нечоғли аҳамиятга эга эканлигини англаш учун ҳали алмаштиришга улгурилмаган 3562 минг дона ёритиш лампасининг 50 фоизини 5 соат вақт таҳлилида олиб кўрайлик. Бир дона чўғланма лампанинг қуввати 0.1(кВт) олинса, (дейлик кеч чоат 18.00 дан 23.00 га қадар) 1781 минг дона лампалар учун 890,5 минг кВт.с сарф этилади, 170,1 млн.сўмлик электр энергияси истеъмол қилинади. Бу кўрсатгич бир ойда ўртacha 26,7 млн. кВт.с ёки 5,1 млрд.сўмни ташкил этади.

1781 минг дона светодиод лампалар эса ана шу 5 соат вақт оралиғида 0.025(кВт) энергия талаб этади. Демак, кеч оқшомдан тунга қадар 222,6 минг кВт.с ёки 42,5 млн.сўмлик электр энергияси истеъмол қилинади. Айнан шу кўрсатгич бир ойда 6,6 млн.кВт.с ёки 1,3 млрд. сўмдан иборат эканлигини кўришимиз мумкин.

Натижада аҳоли истеъмолчиларининг ўзида бир ойда ёритиш лампасидан ўртacha 3,8 млрд.сўмлик ёки бир кунда 126,6 млн.сўмлик электр энергиясини тежашга эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги “2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сиғимини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида белгиланган режага кўра, вилоятимиз шаҳар ва туманларидағи ижтимоий соҳа обьектлари ҳамда бюджет корхоналарида мавжуд чўғланма лампаларни замонавий, тежамкор лампаларга алмаштириш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Аҳамиятли томони шундаки, бу ишлар якунига етказилган корхоналарда кўзланган натижага эришиляпти. Яъни, электр энергияси тежалиши эвазига катта маблағ иқтисод қилинмоқда. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг пасайишига хизмат қилаётир.

- Жорий йилнинг апрель ойида вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида 593 370 дона светодиодли лампалар алмаштирилди, - дейди Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси АЖ энергия сотиши бўлими бошлиғи ўринбосари Азизбек Маткаримов. - Вилоят муассасалари, саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги, коммунал соҳа обьектларида белгиланган режа асосида ишлар бажариляпти. Энерготежовчи лампаларга ўтиш фойдали эканлигини корхона раҳбарлари ва аҳоли янада теранроқ англашлари керак.

Данғара туманидаги “Реал Кабел Инвест” МЧЖда 2016 йил сентябр оидан бошлаб светодиодли лампалар ва кўча чироқлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хитойдан келтирилган технологияларда 40 нафар ишчи тежамкор лампалар тайёрлаш билан банд. Вилоятимизда ўтказилган ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида “Реал Кабел Инвест” корхонаси ва Фарғона шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ўртасида 1 млрд.770 млн.сўмлик шартнома имзоланди.

-Маҳсулотларимиз буюртмачига етказиб беришга тайёр, - дейди корхона раҳбари Мирзоҳид Эгамбердиев. - Корхонамиз 300 000 дона светодиодли лампалар, 50 000 дона кўча чироқлари ишиллик ишлаб чиқариш қувватига эга эканлигини фахр билан айта оламиз. Кўча чироқларини тежамкорига алмаштириш истагида бўлган буюртмачиларга сифатли маҳсулотларимизни таълиф этамиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2016 йил 4 мартағи кўча чироқларини

тежамкор лампаларга алмаштиришга қаратилған қарори ижроси юзасидан муайян ишлар ташкил қилиш жуда мұхим.

2016 йилда Фарғона шаҳридаги “Мураббийлар” күчасида пудратчи Фарғона ЙМФУК томонидан 0,9 км узунликдаги светодиод қурилмали 91 дона күча чироқлари үрнатилған. Үтган илии Тошлоқ тумани марказидан ўтувчи “Марғилон-Құва-Мархамат” автомобиль йўлида жойлашган айланма ҳаракатни ёритиш учун 16 дона светодиодли ёритиш қурилмалари үрнатилиб ишга туширилди.

2016-2017 йилларда Олтиариқ тумани марказида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш жараёнида Олтиариқ ТИХПТФК томонидан 4Р-148 ва 4Р-147 автомобиль йўлларига 1,4 км узунликда 94 дона замонавий светодиодли ёритиш мосламалари үрнатилди.

2017-05-29 19:27:42